

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 657.5:658 (575)

Тўхтабеков Азизбек Умидбек ўғли

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МАТЕРИАЛЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар мисолида)

Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва
соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Хашимов Б.А.

Тошкент- 2019

Ушбу магистрлик диссертация ишида иктисодиётни модернизациялаш шароитида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда ушбу тармок корхоналарида материаллар ўрни ва уларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати чуқур тадқиқ қилинган, уларни ташкил қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинган, хориж тажрибаси ўрганилган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master dissertation thesis is devoted to the further development of road transport infrastructure in the conditions of modernization of economy, the role of materials in these enterprises and the current state of accounting, the analysis of normative documents on their organization, studying foreign experience and scientific proposals and practices on its improvement. recommendations have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

« 19 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: доц. Ҳашимов Б.А.

AB - 30.06.
имзо сана

Магистр: Тўхтабеков А.У.

Ахмет 28.06.
имзо сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
мудирини проф. Р.Холбеков Холбеков
“ 02 ” 07 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “03” 07 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Мундарижа

Кириш	4
I-боб. Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш шароитида материаллар ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари	9
1.1. Мамлакат иқтисодиётида йўл инфратузилмаси ва автотранспорт соҳасининг тутган ўрни	9
1.2. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материаллар ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асослари	16
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда ёқилғи, мойлаш материаллари ҳисобининг назарий асослари	26
1-боб бўйича хулоса	33
II-боб. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материаллар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати ҳамда ўзига хос хусусиятлари	35
2.1. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материалларни гуруҳлаш тартиби	35
2.2. 18-автобус саройида материалларни баҳолаш ва ҳисобга олишда табиий йўқотиш меъёрларини ҳисобга олиш тартиби	44
2.3. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материаллардан самарали фойдаланиш истикболлари	55
2-боб бўйича хулоса	63
III-боб. Йўл инфратузилмасини ривожлантириш шароитида автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материаллар таннархини ҳисоблашнинг илғор хориж тажрибалари	65
3.1. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарда материаллар таннархини калькуляция қилишнинг замонавий усуллари	65
3.2. Автотранспорт корхоналарида кўрсатилган хизматлар таннархини калькуляция қилишда халқаро стандартлардан фойдаланиш истикболлари	73
3-боб бўйича хулоса	81
Хулоса	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	87

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатимиз таракқиётини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу Ҳаракатлар Стратегиясида “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланганидек, “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, жумладан хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”¹ бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар орасида иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан уларда мавжуд транспорт воситаларидан самарали фойдаланишда ёқилғи ва мойлаш материаллари алоҳида ўрин тутаяди.

Маълумки, ҳозирги даврда жамиятнинг ривожланиши энергия сарфининг ортиб бориши билан боғлиқ. Илмий-техник ривожланишнинг тез ўсиши шароитида ёқилғи-энергетика захираларининг ва имкониятларининг улуши жуда катта. Ҳозирги замонда автотранспорт тармоғи томонидан кўрсатилаётган хизматлар таннархининг катта қисмини материаллар, жумладан ёқилғига бўлган сарф ташкил қилади. Бизнинг мамлакатимиз шароитида ҳам тежаб қолинган ҳар бир фоиз ёқилғи, меҳнат унумдорлигини оширишга анча катта иқтисодий самарадорлик беради. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларида катта аҳамият касб этиши, шунингдек уларни

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son farmoni. "Xalq so'zi" gazetasi, 2017 yil 8 fevral.